

Farg'ona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

t.me/farhaqiqati

Пилла:

2900 ТОННА ТАЙЁР.
МАРРА – 3000 ТОННА!

АТИГИ БИР НЕЧА ЙИЛ ИЛГАРИ ВИЛОЯТ ПИЛЛАЧИЛИГИ ОФИР АХВОЛДА ЭДИ. БИР ЙИЛЛИК ХИРМОН 2000 ТОННАДАН ҲАМ КАМАЙИБ КЕТДИ УШАНДА. АММО СОҲАДАГИ КАМЧИЛИКЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНИБ, ЖИДДИЙ ИСЛОҲОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ.

Янги тут плантациялари яратилди. Уруғчилик билан алоҳида шугулландик. Ҳажми оз бўлса-да, иккинчи, ҳатто учинчи ҳосил олиш услуби йўлга қўйилди. Энг муҳими, пиллакорнинг моддий манфаатдорлиги эди. Тарози устида ҳисоб-китоб қилиш тамойилини қўлладик. Буларнинг ҳаммаси ҳосилдорлик ва умумий хирмон ҳажми ошишига олиб келди, – дейди Фарғона вилоят "Агропилла" МЧЖ бошқаруви раиси Аҳроржон Фозилов. – Жорий йилда Фарғона вилоятида 46 минг 436 қути ипак қурти парваришланиб, 2786 тонна тирик пилла етиштириш режалаштирилган эди. Амалда 2900 тоннадан зиёд пилла ҳосили йиғиб олинди ва шартнома режа 105,4 фоизга бажарилди.

Ҳа, 2900 тонна Фарғона пилласи хирмонига уюлди. Аммо ҳали тоғолди ҳудудларда пилла терими давом этапти. Фарғоналикларнинг 2025 йилги марраси – 3000 тонна!

Муҳаммаджон ОБИДОВ.
Элёр ОЛИМОВ олган сурат.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ВА ТУРКИЯ
РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДАГИ

ТАШҚИ САВДО
МУНОСАБАТЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ УЗОҚ ТАРИХГА БОРИБ ТАҚАЛАДИ. ИККИ ХАЛҚНИНГ МАДДАНИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРИ ҚАРДОШЛИК РИШТАЛАРИНИНГ ЯНАДА МУСТАҚАМЛАНИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА ВА БУГУН ИҚТИСОДИЙ, ТАШҚИ САВДО, ИЖТИМОИЙ, САНОАТ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ, ТУРИЗМ, ТЕХНОЛОГИЯ, ТЎҚИМАЧИЛИК КАБИ СОҲАЛАРДА МУВАФФАҚΙΑТЛИ ДАВОМ ЭТМОҚДА.

2024 йилда вилоятимизда Туркия капитали иштирокидаги 13 та лойиҳа доирасида қиймати 77,3 миллион АҚШ долларилик маблағ ўзлаштирилди.

2025 йилнинг биринчи чорагида Туркия капитали иштирокидаги 8 та лойиҳа доирасида қиймати 14,7 миллион АҚШ долларилик маблағ ўзлаштирилди.

Ўтган йилда Фарғона вилояти тадбиркорлик субъектларининг Туркия Республикаси билан ташқи савдо айланмаси 120,0 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Жумладан, Қўқон шаҳридаги "Baraka international trade group" МЧЖ ҚК томонидан "Туризм маркази ҳамда савдо комплекси ташкил этиш" лойиҳаси доирасида 7,8 миллион доллар,

Учқўприк туманида жойлашган "Altin vadiy group" МЧЖ ҚК томонидан "Қунгабоқар ёғи ишлаб чиқаришни ташкил этиш" лойиҳаси доирасида 11,9 миллион доллар

ҳамда Фарғона туманидаги "Fergana agro cluster and logistics" МЧЖ ҚК томонидан "Интенсив боғ ташкил этиш" лойиҳаси доирасида 7,5 миллион доллар ўзлаштирилди.

Шу жумладан, Фарғона шаҳрида фаолият юритаётган "Feranter gilam" МЧЖ ҚК томонидан "Текстиль-тўқимачилик гилам ишлаб чиқариш" лойиҳаси доирасида 2,0 миллион доллар, Қувасой шаҳридаги "Акра тулк" МЧЖ ҚК томонидан "Мато бўяшни кенгайтириш" лойиҳаси доирасида 1,8 миллион доллар ҳамда Қува туманида иш бошлаган "Talha" МЧЖ ҚК томонидан "Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш" доирасида 2,6 миллион доллар ўзлаштирилди.

2025 йил I чораги давомида Фарғона вилояти тадбиркорлик субъектларининг Туркия Республикаси билан ташқи савдо айланмаси 27,7 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

“Тарихий ҒАЛАБАМИЗ

ЗАМИРИДА ХАЛҚИМИЗНИНГ ИШОНЧИ
ВА ДУОСИ ЁТИБДИ”

ЎТГАН СЕШАНБА КУНИ ТОШКЕНТДАГИ “БУНЁДҚОР” СТАДИОНИДА ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚАТАР ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ЎЙИН БИЛАН ОСИЁ КИТАЬСИДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ УЧИНЧИ САРАЛАШ БОСҚИЧИ ЯКУНИГА ЕТДИ.

Учрашув юртдошларимизнинг 3:0 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди. Лекин хабарингиз бор, бу натижадан қатъи назар, мустақил мамлакатимиз термаси аввалги турда Бирлашган Араб Амирликларига қарши ўйинда дуранг (0:0) қайд этиб, Ўзбекистон тарихида илк бор Жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритди. Фарғоналик Тему́р Копадзе шогирдларининг бу муваффақияти мамлакатимизда сўнгги йилларда Президентимиз раҳнамолигида спорт соҳаси, хусусан, футболга қаратаётган эътиборнинг амалдаги ифодасидир.

Тему́р КОПАДЗЕ,
Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи:

– Бу кунни ўзим ҳам футболчи, ҳам мураббий сифатида кўп кутганман. Албатта, тарихий ғалабамиз замирида, аввало, халқимизнинг ишончи ва дуоси ётибди. БААҒа қарши ўйиндан сўнг Президентимиз Шавкат Мирзиёев жамоамиз аъзоларини телефон орқали табриклаганлари барчамизни жуда қувонтирди. Бизга йўллаган табриклариди “Ҳеч шубҳасиз, миллий спортимиз солномасига олтин ҳарфлар билан битиладиган бундай ёрқин натижа юртимиздаги миллионлаб футбол мухлислари, бутун халқимизнинг неча йиллик орузси эди” деган сўзлари ўзим каби жамоамиз аъзоларини руҳлантирди. Халқимизнинг энг буюк орузларидан бирини рўёбга чиқарганимиздан хурсандимиз. Энди бизнинг масъулиятимиз янада ошади ва 2026 йилги Жаҳон чемпионатида ҳам муносиб иштирок этишга бор куч-ғайратимизни сарфлаймиз.

Аббосбек ФАЙЗУЛЛАЕВ,
миллий терма жамоаси аъзоси, ярим ҳимоячи:

– Ўтган йили Олимпия терма жамоамиз сафиди “Париж-2024” Олимпия ўйинларига йўлланмани қўлга киритган ҳолда тарихий натижа қайд этган бўлсак, бу йил миллий терма жамоамиз таркибиди Жаҳон чемпионатиға йўлланма олди ва ҳамюртларимизнинг азалий орузсини амалға оширдик. Халқимизнинг неча йиллик орузси ушалди. Бунга маълум маънода ўз хиссамни қўшганимдан мамнунман. Мамлакатимизда спортчиларға яратиб берилаётган кенг имкониятлар ва биз ёшларға қаратилган улкан эътибор натижасида катта марраларни забт этмоқдамиз. Бунинг учун Президентимиз ва халқимизға ўз миннатдорчилигини билдираман. Эслатиб ўтамиз, футбол бўйича 2026 йилдаги Жаҳон чемпионати АҚШ, Канада ва Мексика давлатларида бўлиб ўтади. Унда дунёнинг энг кучли 48 та жамоаси иштирок этади.

Ўз мухбиримиз.

Tarihin derinliklerinden günümüze uzanan

FERGANA'DAN BURSA'YA kardeşlik köprüsü!



"Фарғона ҳақиқати" ва "Bursa Hakimiyet"
газеталарининг қўшма сони материаллари билан

2-3-саҳифаларда танишинг

TARİHİ İŞ BİRLİĞİNİN
YENİ AŞAMASIHayrullo BOZOROV,
Fergana İli Valisi, Fergana İli Valiliği

Özbekistan ile Türkiye arasındaki iş birliği ilişkileri çok eskilere dayanmaktadır. İki halkın kültürel ve manevi değerleri kardeşlik bağlarımızın daha da güçlenmesine hizmet etmekte ve günümüzde ekonomi, eğitim, turizm, sanayi, teknoloji ve kültürel ilişkiler alanlarında başarıyla sürdürülmektedir.

Son yıllarda Türk Dillerinde Konuşan Ülkeler Zirvesi'nin bölge ve gelecek açısından pratik çabalar göstermesi memnuniyet vericidir. Özellikle "Yeşil Mekan" kümeleri, kooperasyonlar, ortak işletmelerin faaliyetlerinin genişletilmesi ve "Türk Alfabeti Projesi"nin hayata geçirilmesi teşvik edilmektedir. Bu proje, Türk dilinde konuşan ülkeler arasında kültürel ve bilimsel iş birliğini kurumsal olarak geliştirmeye hizmet etmektedir.

Türkiye'nin, Orta Asya'daki diğer ülkelere kıyasla Özbekistan'a daha fazla yatırım yapması, bu ülkenin bölgedeki istikrarı, sürdürülebilir ekonomik büyümesi, zengin doğal kaynakları ve geniş potansiyellere sahip olduğunu göstermektedir.

Doğrudan yatırım çekme konusunda Türkiye, Fergana ilinde öncü bir konumdadır. Şu anda ilimizde Türk yatırımları kurulan 63 şirket faaliyet göstermektedir. Sanayi, tarım ve hizmet sektörlerinde gerçekleştirilen bu projeler, iş birliğinin yeni ufuklara açılmasına katkı sağlamaktadır. Türk iş insanlarıyla ortaklaşa kurulan bu şirketlerden 40'ı sanayi, 20'si hizmet, 3'ü ise tarım alanında faaliyet göstermektedir.

Son yıllarda Türkiye şirketleri ile karşılıklı yarar sağlayan dostlarca ilişkilerimiz istikrarlı bir şekilde gelişmektedir.

Geçtiğimiz yıl ilimiz girişimcilerinin Türkiye Cumhuriyeti ile dış ticaret hacmi 120 milyon ABD doları oldu.

İlimizin 35 şirketi tarafından Türkiye'ye ihracat gerçekleştirildi.

2024 yılında vilayetimizde Türkiye sermayesinin katılımıyla 13 proje kapsamında toplam 77,3 milyon ABD doları yatırım yapıldı. Bu yılın ilk çeyreğinde ise 8 proje aracılığıyla bu rakam 14,7 milyon dolara ulaştı. Özellikle, Fergana şehrinde "Tekstil hali üretimi" projesiyle 2 milyon, Kuvasoy şehrinde "Kumaş boyama kapasitesinin artırılması" projesiyle 1,8 milyon, Kuva ilçesinde "Trikotaj ürünleri üretimi" projesiyle 2,6 milyon ABD doları yatırım gerçekleştirildi.

Bu yıl ilimiz heyetinin Türkiye Cumhuriyeti'ne gerçekleştirdiği ziyaret, ortak projelerin hayata geçirilmesi açısından önemli adımlardan biri oldu. Ziyaret kapsamında toplam değeri 142 milyon doları aşan 12 yatırım anlaşması ve ihracat sözleşmeleri imzalandı.

Fergana şehrinde bir sağlık kompleksi inşası için bir Türk şirketiyle 36 milyon ABD dolarlık, Furkat ilçesinde pamuktan hazır giyim üretimine kadar olan süreci kapsayan bir kompleks kurulması için 35 milyon dolarlık, ayrıca Fergana şehrinde inşaat malzemeleri ve kapı-pencere üretim fabrikaları ile Ekokent'te çok katlı konutların inşası için toplam 25 milyon dolarlık yatırım anlaşmaları sağlandı.

Bursa'daki "Baktat" şirketler grubu ile Fergana ve Soğ ilçelerinde ahududu kümelmesi, Kuva ilçesinde biyokimyasal gübre ve meyve-sebze işleme tesisi kurulması için toplam 7 milyon dolarlık proje üzerinde anlaşmaya varılması, bölgeler arası yatırım, ticaret-ekonomi ve sosyal alanlardaki iş birliğimizi daha da pekiştirmek için zemin hazırladı.

Hayat tarzları birbirine çok benzeyen bu iki halkın değerleri ve geleneksel yaşam biçimleri, onları yüzyıllar boyunca güçlü kardeşlik bağlarıyla birbirine bağlamıştır. Türk kardeşlerimizin Ankara'da dünyaca ünlü büyük ansiklopedist bilim insanı Ahmed el-Fergani'ye bir büst dikmeleri de büyük bir sembolik anlam taşımaktadır ve bize gurur ve onur vermektedir. Manevi yakınlık ve kan bağının göstergesi olan bu tür saygı örneklerinden birçok örnek verilebilir. Bu bağlamda, Türkiye'den ülkemize gelen turist sayısının 3 kat artması ve kardeş ülkede yaklaşık 3000 Özbekistanlı genç kız ve erkeğin eğitim görmesi de özellikle vurgulanmalıdır.

Türkiye ile Özbekistan arasındaki kadim iş birliği yeni bir aşamada devam etmektedir. Bu durumu, ebedi kardeşliğimizi daha da güçlendirmek, ülkelerimizin ekonomik gücünü artırmak ve halklarımızın yaşam refahını yükseltmek yolunda atılan kararlı adımlardan biri olarak değerlendirmek mümkündür.

Fergana'dan Bursa'ya
kardeşlik köprüsü...

1993 yılında Özbekistan'ın Fergana şehri ile Bursa arasında atılan dostluk tohumları, yıllar içinde kök salıp meyve verirken, şimdi de kelimelerin ve haberin gücüyle daha da yeşeriyor. Bursa, 1996 ve 2020 yıllarındaki resmi temaslarla güçlenen ilişkilerin ardından, bu kez kalemleriyle hakikatin izini süren Ferganalı gazetecileri ağırlamaya hazırlanıyor. Özbekistan Gazeteciler Birliği Fergana Şubesi'nden oluşan 10 kişilik heyet, 18-19 Haziran tarihleri arasında Bursa'da anlamlı bir ziyaret programı gerçekleştirecek.

Ziyaretin başında, Bursa başının köklü çıkarlarından Bursa Hakimiyet gazetesi yer alıyor. Fergana Hakikati Gazetesi Müdürü ve Özbekistan Gazeteciler Birliği Fergana Şubesi Başkanı Muhamadjon Obidov'un öncülüğündeki heyet, burada gazetenin nabzını yerinde tutacak; yazı işleri toplantılarına katılacak, haber masasında haberin doğum anına tanıklık edecek. Editöryal sürecin mutfağında fikir alışverişiyle harmanlanan bu temaslar, mesleki dayanışmanın en anlamlı örneklerinden biri olacak. Heyet ayrıca Bursa Gazeteciler Cemiyeti ve Basın Müzesi'ni ziyaret ederek, meslek tarihine bir yolculuk yapacak. Hedef, yalnızca bilgi alışverişi değil; aynı zamanda iki şehir arasında medya alanında kalıcı bir dostluk ve ortak üretim zemini oluşturmak.

Ziyaretin ikinci günü, Bursa'nın tarih kokan ilçesi İznik'te devam edecek. Bu anlamlı buluşma, yalnızca gazetecilik alanında değil; kültür, tarih ve halklar arası bağlar açısından da ayrı bir anlam taşıyor. Özbek heyet, Bursa Milletvekili ve TBMM Özbekistan Dostluk Grubu Başkanı Osman Mesten, İznik Kaymakamı Arif Karaman, Belediye Başkanı Kağan Mehmet Usta ve Bursa'daki Özbek öğrenci temsilcileriyle kahvaltıda bir araya gelecek. Bu sofrada sadece ekmek paylaşılmayacak; aynı zamanda samimiyet, hürmet ve ortak geleceğe dair umutlar da paylaşılacak. Kahvaltının ardından heyet, İznik'in ünlü sınırları aşmış çini atölyelerini ziyaret edecek. Binlerce yıllık zanaatın izini sürecektir, ellerin sabırla şekillendirdiği motiflerde halkların ortak hikâyesini okuyacak. Sonrasında Hacı Özbek Camii'nde yapılacak ziyarette, tarih ile bugünün iç içe geçtiği bir durak daha kayda geçecek. Bu ziyaret, sadece bir programdan ibaret değil; aynı zamanda halklar arasında anlayışı artıran, kültürel diplomasiyi pekiştiren bir gönül yolculuğu. Kalemlerin birleştiği yerde, dostluğun dili daha yüksek sesle konuşur. Ve bu ses, Fergana'dan Bursa'ya uzanan kardeşlik köprüsünde yankılanır.

Tarihin derinliklerinden günümüze uzanan Bursa ile Fergana arasındaki kardeşlik köprüsüne yeni bir tuğla daha ekleniyor.



"EZELİ DEĞERLER DİYARI"

Mahiyora BOYBOBOEVA,
"Fergana Hakikati" Gazetesi

Fergana, tarih boyunca el sanatlarıyla tanınan, köklü geçmişi, benzersiz kültürü, adet ve gelenekleriyle öne çıkan bir yerdir. Margilan'ın atlas ve adras kumaşları, Rish-ton'un çömlekçilik sanatı, Kokand'ın ahşap oymacılığı ve nakkaşlık okulları dünya çapında meşhurdur.

Margilan şehrinde geleneksel el sanatı olan ipekçilik okulu günümüze kadar yaşatılmaktadır. Usta zanaatkar, Özbekistan Cumhuriyeti Ali Meclisi Senatosu üyesi İbrahimjon Sultanov'un önderliğinde faaliyet gösteren "Zanaatkarlar Merkezi", bu alanın daha da gelişmesi, kadim gelenek ve adetlerimizin tanıtılması açısından büyük önem taşımaktadır.

Merkezde atlas, adras, ipek, kadife, "beğasam" (Fergana özel kumaşı) ve halılar dokunmaktadır. Tüm ürünler el emeğiyle üretilmektedir. İpek halılar çoğunlukla Türkiye'ye, atlas ve adras kumaşları ise ABD, İtalya, Fransa, Rusya, Kazakistan, Tacikistan gibi ülkelere ihraç edilmektedir.

Özbek halkının günlük hayatının ayrılmaz bir parçası olan ahşap oymacılığı, alçı işçiliği, marangozluk, kuyumculuk, çömlekçilik, dokumacılık, sıрма işlemeciliği, müzik aletleri yapımı ve kakmacılık, Kokand şehrinin simgesi haline gelmiştir. "Özbekistan Halk Ustası" fahri

unvanı, "El-Yurt Hurmatı" nişanı sahibi, "Usta Yusufjon Nakkaş" aile atölyesinin başkanı Muhammedali Yunusov, "Usta-Çırak" okulunda yüzden fazla gençte ahşap oymacılığı öğretmektedir. Sanatkar, ülkemizdeki birçok yapının süslenmesinde, görkemli binaların inşasında geleneksel el sanatlarının yeniden canlanmasına katkı sunmuştur.

Ayrıca, Muhammedali Yunusov, milli ahşap oymacılığı okulunun layık bir temsilcisidir. Eserlerinde "pargori", "şerefe", "mukarnas" ve "islami" tarzlar başlıca yer tutmaktadır.

Çömlekçilik sanatı ise kadim bir zanaattır ve bu sanatın merkezi olan Rish-ton, bugün de bu yüksek unvana layık olmaya devam etmektedir. İlçede çömlekçilik genellikle aile mesleği olarak sürdürülmektedir.

Usta çömlekçi, "Özbekistan'da Hak Kazanmış Sanat Emekçisi", akademisyen ve "Fedakar Hizmetleri İçin" nişanı sahibi Sharofiddin Yusupov'un ünlü dünyaya yayılmıştır. Zamanının meşhur çömlekçilerinden olan babasından mesleğin inceliklerini öğrenen Sharofiddin, "Ben bu dün-

yaya çömlekçi olmak için geldim. Başka bir mesleği hiç hayal etmedim. Sanat eserlerimi yurt dışına sattığımda, yüreğimin bir parçası o kapla birlikte gidiyor. Çünkü eserlerim üzerinden seviyile çalışırım," diye vurguluyor.

Sharofiddin Yusupov'un eserleri Paris'teki Louvre, Sankt-Peterburg'daki Hermitage, Moskova'daki Şarkiyat ve Dünya Halkları müzelerinde sergilenmektedir. Bu da biz Ferganalılar için her zaman bir gurur ve onur kaynağıdır.



FERGANA VADİSİNDEKİ İLK YÜKSEKÖĞRETİM KURUMU

Bahodirjon SHERMUHAMMADOV
Fergana Devlet Üniversitesi Rektörü

Fergana Vadisi, tarih boyunca Özbekistan'ın önemli kültürel, ekonomik ve siyasi merkezlerinden biri olmuş, bu bölgede eğitim ve bilimsel-maarifi hareketlerin gelişimi özel bir önem taşımıştır. 20. yüzyılın başlarında halk eğitim sisteminin modernize edilmesi, nitelikli kadroların yetiştirilmesi ve okuryazarlık düzeyinin artırılması ihtiyacı artmıştır. İşte böyle bir dönemde, 1 Mayıs 1930 tarihinde Fergana Pedagoji Enstitüsü kurulmuştur. Enstitüde başlangıçta iki bölüm bulunmakta olup, 120 öğrenci eğitim görmektedir; bunların %56'sı yerel millet temsilcileriydi. Ayrıca modern bilgi edinmek isteyen gençler arasında Rus, Tatar, Kazak, Uygur, Ukraynalı, Yahudi, Başkurt, Tacik, Kırgız, Ermeni gibi milletlerden temsilciler de yer alıyordu.

Özbekistan Cumhuriyeti Bakanlar Kurulu'nun 5 Şubat 1991 tarihli 32 sayılı kararıyla yükseköğretim kurumuna Fergana Devlet Üniversitesi statüsü verilmiştir. Günümüzde ülkenin yüksek prestije ve potansiyele sahip olan bu üniversitesinde 14 fakülte faaliyet göstermektedir. Lisans seviyesinde 71 alanda 25.715'ten fazla öğrenci, yüksek lisans seviyesinde ise 972 genç 34 uzmanlık alanında eğitim almaktadır. Bu öğrencilere, 77'si bilim doktoru ve profesör olan toplam 734 nitelikli öğretim üyesi ders vermektedir. Hâlihazırda üniversitede 10 savunma kurulu aktif olarak çalışmaktadır. Geçtiğimiz yıl içerisinde yaklaşık 130 bilim insanı başarıyla PhD ve DSc tezlerini savunarak akademik diplomalarını almışlardır.

Fergana Devlet Üniversitesi'nde şu alanlarda yüksek nitelikli uzmanlar yetiştirilmektedir: uygulamalı



sosyoloji, psikoloji, hukuk, doğal kaynakların akılcı kullanımı ve çevre koruma, kültürel aydınlatma çalışmaları ve sanatsal amatörlik organizasyonu, ekonomi ve yönetim, ekonomik ve sosyal planlama, dış ekonomik ilişkiler, biyoteknik ve tıbbi cihazlar, agro-kimya ve toprak bilimi, Şarkiyat-Afrika çalışmaları, Doğu dilleri (Arapça ve Farsça).

Son dört yılda öğretim üyelerinin bilimsel potansiyelinin sürekli arttığını dikkat çekilmektedir. Bu oran %57'ye ulaşmıştır. Ayrıca son 30 yıl içinde üniversite tarihinde görülmemiş bir gelişme yaşanmış; dünyanın saygın "Scopus" ve "Web of Science" veri tabanlarında bilimsel makaleler yayımlanmış, atfı oranları hızla yükselmiştir.

Fergana Devlet Üniversitesi'nde eğitim-öğretim sürecinin kalite açısından geliştiği, modern ve konforlu dersliklerin en son teknolojiyle donatıldığı, öğretim üyeleri ve öğrencileri bu imkanların sunulmasında üniversitenin bağımsız mali sisteme geçmesi ve rektörlük tarafından tüm harcamaların planlı ve sistemli bir şekilde yönetilmesi etkili olmuştur.

Üniversitenin uluslararası alandaki itibarı da artmaktadır. Üniversitenin öğretim üyelerinin bilim ve iş birliği alanındaki katkıları Macaristan Tarım ve Yaşam Bilimleri Üniversitesi, Rusya Federasyonu Ural Devlet Pedagoji Üniversitesi, Tacikistan Devlet Hukuk, İşletme ve Siyaset Üniversitesi, Çin Halk Cumhuriyeti Luoyang Arkeoloji Araştırma Enstitüsü, Azerbaycan Devleti "Odalar Yurdu" Üniversitesi gibi kurumlar tarafından takdir edilmiştir.

Bu yükseköğretim kurumunun tarihi kökleri ve pedagojik gelenekleri, günümüzde yenilikçi yaklaşımlarla bütünleşerek bölgedeki eğitim kalitesinin ve bilimsel araştırmaların gelişiminde önemli bir rol oynamaktadır.

BÜYÜK ANSİKLOPEDİK ÂLİM

Resulcan TOJİYEV
Fergana Teknik Üniversitesi Profesörü

Orta Asya'dan, özellikle Özbekistan'dan yetişmiş ve dünya bilim tarihine paha biçilmez katkılar sunmuş büyük âlimler arasında Ebu'l-Abbâs Ahmed bin Muhammed bin Kesir el-Fergani'nin ismi ve gelecek nesillere bıraktığı ilmi mirası, dünya camiasında özel olarak anılmaktadır.

Fergana Vadisi'nin Kuba (Kuvasay) köyünde doğan astronom, matematikçi ve coğrafyacı El-Fergani'nin bize ulaşan sekiz eseri bilinmektedir; bunların hepsi astronomiyle ilgilidir. Onun temel astronomi eseri olan "Göksel Haraketler ve Genel Astronomi İlmi" adlı kitabı, 12. yüzyılda Avrupa'da iki kez Latinceye, 13. yüzyılda ise başka dillere çevrilmiş ve Latinceleştirilmiş ismi olan "Alfraganus" şeklinde yaygınlık kazanmıştır. Bu kitap, Avrupa üniversitelerinde astronomi alanında temel ders kitabı olarak okutulmuştur. Bu büyük atamızın eseri, Avrupa Rönesansı ve sonrasındaki kültürel gelişmede önemli yer tutmuştur. El-Fergani'nin ismi Dante (15. yy) ve Shakespeare (13. yy) tarafından anılmış, ilmi keşifleri yüksek değerlendirmelere layık görülmüştür.

El yazmaları, dünyanın neredeyse tüm büyük kütüphanelerinde muhafaza edilmektedir. "Astrolab Yapımı Hakkında Kitap"ın el yazmaları Berlin, Londra, Meşhed, Paris ve Tahran kütüphanelerinde; "Astrolab ile Uygula-

lama Hakkında Kitap"ın tek el yazması Ramapur'da (Hindistan); "El-Fergani Cetvelleri"nin el yazması Patna'da (Hindistan); "Ay'ın Yer Altı ve Üstünde Bulunma Zamanlarını Belirleme Hakkında Kitap" el yazması Kahire'de; "Yedi İklimin Hesaplanması Hakkında Kitap"ın el yazmaları ise Halep ve Kahire'de muhafaza edilmektedir.



Kahire yakınlarındaki Ravza Adası'nda büyük âlim tarafından inşa edilen Nil Nehri'nin su seviyesini ölçen alet - Nilometre, onun en meşhur ilmi keşiflerinden biridir.

Büyük ansiklopedik âlimin ismi, Doğu'dan Batı'ya kadar oldukça meşhurdur ve kendi anavatanı Özbekistan'da özellikle gurur ve iftiharla anılmaktadır. 1998 yılında Özbekistan Cumhuriyeti Cumhurbaşkanlığı'nın karamamesiyle bu büyük düşünürün doğumunun 1200. yıldönümü coşkuyla kutlanmıştır.

Fergana Vadisi halkı, kendi vatandaşları adına ve dünya medeniyetine sunulmuş bu büyük ilmi mirasa olan saygı ve hürmetin sembolü olarak cadde, mahalle, okul ve kütüphaneler onun yüce ismini vermektedir. Fergana ve Kuvasay şehirlerinde El-Fergani adına parklar, anı meydanları kurulmuş; bu alanlarda bulunan heykelleri, gelecek nesillere gurur ve minnet duygularıyla bakılmaktadır.

Türkiye'nin Ankara şehrinde vatandaşlarımız şerefine dikilen büst, Türk ve Özbek halklarının ebedi dostluğunun ve kardeşliğinin simgesidir.





Ибраҳим БУРКАЙ,
Бурса савдо ва саноат палатаси
бошқаруви кенгаши раиси

БУРСА — ТУРК ДУНЁСИ ҚАЛБИДА ПОРЛАГАН ШАҲАР

ТАРИХИЙ ВА МАДАНИЙ ЎЗИГА ХОСЛИК

Бурса нафақат Туркиянинг, балки бутун турк дунёсининг умумий хотирасидан жой олган қадимий шаҳар сифатида ажралиб туради. Римликлардан Усмонийларга, Салжукийлардан Республика давригача қўллаб-қувватлаган Бурса бу шаҳар, айниқса, 1326 йилда Усмонийлар империясининг пойтахти бўлиши билан тарихдаги ўрнини мустаҳкамлади. Улу масжиди, “Яшил” мақбара ва “Мурадие” мажмуаси каби иншоотлар Турк маданияти илдизларини акс эттиручи тимсоллардир.

Усмон Ғозий, Урхан Ғозий каби буюк давлат арбобларининг қабрлари ҳам Бурсада жойлашган. Шу тарзда шаҳар нафақат тарихий мерос, балки маънавий марказ сифатида ном қозонган. Турк дунёсида эҳтиром билан ёдга олинадиган Усмонийлар империясининг асосчиси авлодининг бу ерда абадий кўнин топгани Бурсага ўзгача маъно бағишлайди.

ТУРК ДУНЁСИНING МАДАНИЙ ПОЙТАХТИ

Халқаро туркий маданий ташкилоти — ТУРКСОЙ томонидан 2022 йилда “Турк дунёсининг маданияти пойтахти” деб эълон қилинган Бурса бу шарафни катта муваффақият билан оқлади. Йил давомида юзлаб тадбирларга мезбонлик қилди, турк халқининг муштарак маданий меросини дунё сахнасига олиб чиқди. Наврўз тантаналари, анъанавий қўл санъати кўргазмалари, халқ ўйинлари намойишлари,

“Қўрқут ота” филм фестивали каби қўллаб-қувватланган тадбирлар шаҳарни маданият пойтахтига айлантирди.

Бу жараёнда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Туркменистон халқлари, санъаткорлар ўртасида мустақкам маданий алоқалар ўрнатилди. Шаҳар нафақат фестивалга мезбонлик қилди, балки туркий халқлар ўртасида муштарак туйғуларни фашлаштиришда ҳам муҳим роль ўйнади.

Бурса маданият, туризм ва тарғибот уюшмаси раиси, йилдирим шаҳар губернатори



Октай ЙИЛМАЗ,
Бурса маданият, туризм ва тарғибот уюшмаси раиси,
Йилдирим шаҳар губернатори

МАРКАЗИЙ ОСИЁ БИЛАН БОҒЛИҚЛИК

Бурсанинг шаҳар сифатида ўзига хослиги Марказий Осиёдаги туркий шаҳарларга жуда ўхшаш. Бу ўхшашлик меъморий элементлар билан чекланмайди, ижтимоий ҳаёт, санъат ва шаҳар маданияти каби соҳаларда ҳам сезилади. Бурса билан Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарлар ўртасида чуқур маданий қардошлик мавжуд. Анъанавий бозор тузилиши, ижтимоий мажмуалар атрофида шаклланган шаҳар қиёфаси ва яшил рангининг бу қадимий кентга интеграциялашуви шулар жумласидан. Бурса Турк-Ислон цивилизациясининг ғарбга очиладиган дарвозаси ва кўпригидир.

оллаштиришда ҳам муҳим роль ўйнади.

Бурса маданият, туризм ва тарғибот уюшмаси бу буюк ташкилот фаолиятини мувофиқлаштиришда муҳим масъулиятни ўз зиммасига олди. Иттифоқ маданий дипломатияга асосланган ёндашуви билан Турк дунёсининг турли ҳудудларидан келган муассасалар ва санъаткорлар ўртасида кўприк ўрнатди ва Бурсанинг тарихий миссиясини, келажакка олиб борадиган лойиҳаларни амалга оширди.

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ

Бурса ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар сўнгги йилларда янада чуқурлашди. Маҳаллий ҳукуматлар Ўзбекистон шаҳарлари билан қардошлик битимларини имзоладилар, ўзаро делегация таширфлари, маданий фестиваллар, иқтисодий ҳамкорлик платформалари ва талабалар алмашинуви дастурлари каби қўллаб-қувватланган амалга оширилди.

Бу алоқаларни ташкил этишда ҳам Бурса маданият, туризм ва тарғибот уюшмасининг ўрни алоҳида. Муассаса нафақат тарғиботга, балки ўзаро тушуниш, маданий алмашинуви ва умумий келажакка асосланган стратегик қадамларга ҳам хисса қўшди.

Ўзбек халқи Бурсани нафақат тарихий ўхшашликлари, балки фуқароларининг самимийлиги, меҳмондўстлиги ва умумий маданияти ҳимоя қилишга интилиши билан ҳам яхши билади. Бурса шаҳрида ташкил этилаётган “Турк дунёси маданияти кунлари” тадбирларида ўзбек музикачилари, хунармандлари ва академиклари тез-тез иштирок этиб, икки халқ ўртасидаги маданий алмашинуви давом эттирмоқда.

САЛОМАТЛИК ВА ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИ

Бурса саломатлик туризми соҳасида ҳам диққатга сазовор марказдир.

Чекирге, Қўқутл, Ойлат каби ҳудудларда топишган шифобахш сувлар ревматизм, тери касалликлари, ортопедик муолажалардан стрессга қадар қўллаб-қувватлашда табиий шифо беради. Бу ердаги замонавий хусусий шифохоналар, стоматология ва эстетик жаррохлик соҳаларида илғор инфратузилма, чет элдан келган беморларга ҳам иқтисодий, ҳам сифатли тиббий хизмат кўрсатишни тақдим қилади. Бурса Марказий Осиёдан, хусусан, Ўзбекистондан таширф буюрувчилар учун шифо ва маданиятни бирлаштирган ноёб шаҳарлардан биридир.

УМУМИЙ ЎТМИШДАН — УМУМИЙ КЕЛАЖАККА

Бурса ўтмиши билан фахрланадиган, келажакни эса турк дунёси билан бирга қуришга ҳаракат қилаётган шаҳар. Умумий маданий ва маънавий қадриятлари, ўхшаш шаҳарсозлик ёндашувлари туфайли Ўзбекистон билан алоқалар кундан-кунга мустаҳкамланиб бормоқда.

Ушбу мақола билан барча ўзбек қардошларимизни “Улудар” этакларида жойлашган қадимий шаҳарга таширф буюришга, тарих, табиат, маданият ва саломатлик билан чамбарчас боғланган дўстликни қайта кашф этишга тақлиф қиламиз. Бурса сизларга мезбонлик қилишдан фахрланади.

ИККИ МИНТАҚА ЎРТАСИДАГИ САВДО КЎПРИГИ

БУРСА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ БИЛАН ЯҚИН ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИНИ ЎРНАТГАН ҚАДИМИЙ ШАҲАРДИР. БИР НЕЧА АСРЛАР ОЛДИН БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ТЎХТАШ ЖОЙЛАРИДАН БЎЛГАН ФАРҒОНА ВА БУРСА ОРАСИДАГИ БУ ТАРИХИЙ АЛОҚАЛАР ҲОЗИРДА ҲАМ “ТИЛДА, ФИКРДА, ИШДА БИРЛИК” МАҚСАДИ БИЛАН РИВОЖЛАНИБ БОРМОҚДА.

Фарғонанинг анъанавий қўл меҳнати билан Бурсанинг асрлар давомидаги тўқимачилик ва ипак ишлаб чиқариш йўналишидаги хунармандчилиги умумий маданий меросимизни боғлаб, ҳар икки минтақа учун ҳам иқтисодий ва маданий салоҳиятни ошириш имконини тақдим этади.

Туркия давлати билан Ўзбекистон ўртасидаги савдо ҳажми 2016 йилдан кейин тобора ривожланиб, 1,2 миллиард АҚШ долларидан 3,5 миллиард долларга кўтарилди. Икки давлат ўртасидаги савдо ҳажмининг 5 миллиард АҚШ долларига етказиш ҳам томонларга катта масъулият юқлайди.

Ўзбекистон катта бозор салоҳиятига эга бўлишдан ташқари, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги божхона иттифоқида аъзолиги билан ҳам кенг географияда стратегик мавқега эга. Туркияга сармоя киритувчи ўзбек ишбилармонлари катта савдо айланмаси билан фаолият олиб бораётган бозорларимизга дадил кириб келишмоқда. Ўзаро сармоя ва савдо алоқаларининг “босқичма-босқич” юқорилаб бориши муҳим аҳамиятга эга.

Туркиянинг иқтисодий локомотиви бўлган Бурса 32 миллиард АҚШ доллари даражасидаги ташқи савдо ҳажми билан нафақат Туркия, балки Евроосиё ҳудудининг энг нуфузли саноат ва савдо марказларидан биридир. Шаҳарда икки мингга яқин халқаро сифатга эга тадбиркорлик субъектлари фаолият юритади. Тўқимачилик, автомобилсозлик, машинасозлик, кимё ва озиқ-овқат соҳаларида Бурсанинг жуда кучли ишлаб чиқариш тармоғи мавжуд. Бурсадан Ўзбекистонга экспорт 60 миллион доллар даражасида. Тахминан 200 та фирма Ўзбекистон билан савдо алоқасини ўрнатган, Ўзбекистонда қайт этилган 20 та тадбиркорлик субъектлари эса Бурсада фаолият олиб бормоқда.

57 минг аъзога эга бўлган Бурса савдо ва саноат палатаси икки давлат ўртасидаги тарихий ва маданий алоқаларни янада яхшилаш йўлидаги ўзаро ҳамкорликда муҳим тадбирларни ташкил этиб келмоқда. Хусусан, 2022 йилда Тошкентда ўзбек ишбилармонлари ва бурсалик тадбиркорлар учрашиб, ўзаро мулоқотда бўлишди, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилиди, қатор ҳамкорлик шартномалари имзоланди. Шунингдек, Бурсага таширф буюрган Ўзбекистон ишбилармонлари билан Ўзаро маълумот ва тажриба алмашилди, кенг имкониятлар эшиги очилиб, янги ҳамкорлик йўналишлари бўйича келишиб олинди.

Бурса ва Ўзбекистон орасидаги ҳамкорликларда ҳеч қандай муаммо йўқ. Туркиянинг юқори технологияли ишлаб чиқариш ва экспорт мақсадлари йўлида амалга оширилган Бурса технология уюшган саноат зонаси — TEKNOSAB (Bursa teknoloji organize sanayi bölgesi) модели икки давлат ўртасидаги юқори даражадаги иш бирлигининг янги нишонаси сифатида Ўзбекистонда ҳам жорий этилмоқда. Бу жараёнга TEKNOSAB ва BTSO (Bursa ticaret ve sanayi odası) бошқаруви кенгаши раиси сифатида давлатимиз раҳбари Режеп Таййип Эрдоғннинг топшириқлари билан шахсан ҳамроҳлик қилиш мен учун улкан фарҳдир. Стратегик шерикликнинг аниқ кўрсаткичи бўлган бу сармоя, икки оға-ини давлатнинг фаровонлигига хисса қўшувчи янги саноат ҳаракатини олиб келар экан, биз ҳам ўзимизга юқлатилган масъулиятни қатъийат билан бажармоқдамиз.



Доктор КОМИЛ ОЗЕР,
Бурса вилоят маданият
ва туризм директори

Ошиқ Юнус кабилар Анадолуни ватан қилган элнинг маънавий меъморларидир. Асрлар давомида “география” мизда ҳар лаҳзада ўқилиб келинаётган Мавлуднинг шоири Сулаймон Чалабий ҳам шулардан биридир.

Ўзбекистоннинг қўллаб-қувватланган шаҳарларидан, хусусан, Бухородан келган алломалар Бурса маънавий муҳитига ижобий ҳисса қўшган. XVI асрда бухорлик Баҳовуддин афанди, Абдуссамад афанди томонидан қурилган Ўзбеклар даргоҳи ва Ашур Афанди маскани ҳозиргача сақланиб қолган. Даргоҳда асосан ўзбек сайёхлари ва дарвешлари бўлганлиги учун уни Бухоро қаландархонаси деб ҳам аташган. Айтишларича, Амир Султон Бурсага келганида, бу ерда бир муддат меҳмон бўлиб қолган.

Авлиё Чалабий ўзининг “Саъхатнома”сида шаҳарни таърифлаб, “Бир сўз билан айтганда, Бурса сувдан иборатдир”, дейди. Нилуффер, Ғўкдере ва Жилимбоз каби дарёлар Улуудагнинг қор сувлари билан озиқланса, Чекирге булоқлари, шунингдек, Инегўл Ойлат, Мустафокамолпаша, Тумбулдек ва Орхангази Керамат булоқларининг иссиқ сувлари шифобахшдир.

BURSA HAKİMİYET

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йиллари Туркия собиқ бош вазир Тансу Чиллернинг Марказий Осиёга таширфи доирасида бир гуруҳ журналистлар билан Тошкент ва Самарқандда бўлган эдик. Пойтахт шаҳар ва қадимий кентга қадам ранжида қилар эканман, ҳар бир кўча, ҳар бир манзилда гўё менга танишдек изларга дуч келганман. Бу изларни гавҳим бозорларда, бетакор гўзал, муҳташам масжидлар гўмбазиди, баъзан эса болажонлар нигоҳида кўрдим.

Ичимда ажиб туйғу пайдо бўлган эди ўшанда, гўё бу кўчалардан аввал юргандек эдим, бу кўча заминга қандайдир дахлдорлигим бордек туюлганди. Ҳайратларим алдамаганди, Анадолунинг юз турарди. Кўча ва навқирон Самарқанд шаҳрини яёв кезиб юрганимизда, тарихий обидаларни зиёрат қилганимда, Бурсанинг “Яшил масжид” ва яшил мақбараларини кўз олдимга келтирдим, “жозибдорлик, нақшинкорлик қанчалик ўхшаш-а” дег ҳаёлимдан ўтказгандим.

Бугун менга ширин хотиралар қолдирган туйғунинг номи — “Фарғона”. Ва биродарлик кўпригининг Бурса томонида янги давр бошланмоқда.

Ўзбекистоннинг шарқий қисмида, Буюк ипак йўли юрагида жойлашган Фарғона вилоятидан бир гуруҳ журналистларнинг Бурса шаҳрига таширфини ҳақиқатан ҳам туркий халқларнинг азалий қардошлиги, ўзаро яқин алоқалари, мустақкам дўстлик биродарлигининг узвий давом сифатида баҳолаш мумкин.

Бурсадаги ўзаро мулоқотларимиз чоғида сўзлар ширин каломга, уларнинг ифодаси эса меҳрга айланди. Негаки, бу учрашув оддий “таширф” нақмида эмас. Бу — ўтмишдан бугунгача давом этаётган дўстлигимиз, азалий биродарлик ва умумий

ЎТМИШ ЕЛКАСИГА СУЯНИБ, КЕЛАЖАККА ОЧИЛГАН ДЕРАЗА



Намиқ ҒЎЗ,
“Bursa Hakimiyet” газетаси бош муҳаррири

ий тараққиётимизнинг яна бир бор тилга олиниши ва амалдаги ифодасидир. Фарғона билан Бурса ўртасидаги масофа харитада минглаб километрини ташкил қилади, аммо юракдан-юракка боғланган йўл шунчалик яқин ва равоки, уни на сўзда, на қаламда ифодалаб бўлади. Бу йўл биргина сўз билан босиб ўтилади, биргина нигоҳда хис этилади.

Яна бизни бирлаштирувчи умумий излар бор. Бир томонда — чинничилик бешиги бўлган Изник, иккинчи томонда — қўлолчилик билан маълуму машҳур Риштон. Бир ёнда Жумалиқизикнинг тош кўчаларида хануз кезаётган Усмонийлар руҳи, бошқа ёнда — Марғилоннинг қадимий ипак тўқимачилиги аъёнлари. Қўқонлик уста хунармандлар ёғочга жон ато этган бўлса, бурсалик уста-зодалар бирорта миҳ ишлатмасдан масжид барпо этган — буларда қадимий дурадгорлик аъёнлари ўртасида ўзаро уйғунлик мужассамдек.

Бурса билан Фарғона ўртасидаги ҳамкорлик йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Таълимдан саноатгача, қишлоқ хўжалигидан туризмгача. Жумладан, Фарғонада турк сармояси иштирокидаги корхоналар, Бурсадаги ўзбек талабалари сони, икки шаҳар ўртасидаги савдо ҳажми ортиб бораётгани — буларнинг барчаси ҳамкорлигимизнинг “молиявий тилда ҳам раво сўзланаётгани”дан далолат бермоқда.

Мени энг кўп умидга тўлдирган жиҳати шундаки, ҳамкорлигимиз оммавий ақборот воситалари орқали ҳам мустаҳкамланаётганидир. Чунки журналистлар — халқнинг тарихини ёзадиган, халқ овозини қоғозга туширадиган қаламқашлардир. “Фарғона ҳақиқати” газетаси ҳамда “Bursa Hakimiyet” газетаси тахририятлари ходимларининг ўзаро ижодий мулоқоти, тажриба алмашиши фақат икки газетанинг эмас, балки икки халқнинг руҳи, икки шаҳар тақдирини ва икки маданиятнинг самимийлиги тарихга қайта ёзилаётганини аъёнлатади. Яна айтмоқчиманки, фарғоналик ҳамкасбларимизнинг Бурсага таширфи вафодорлик саъҳатидир, мулоқотларимиз оддий интервью эмас, биродарлик манифестидир. Бу шунчаки янгиллик эмас, ўтмиш елкасига суюниб, келажакка очилган деразадир.

Бурса ва Фарғона — иккиси бир тараққиёт дарахтининг шоқлари. Илдишимиз эса бир жойда — Туркистон. Ва бу илдиз асрлардан асрларга янада мустаҳкамланиб бораверади.

Сиз бизга бегона эмассиз, азиз қардошлар. Балки чегараларимизла фарқ бордир, аммо мақсадимиз муштарак. Қаламимиз бир илдиздан, овозимиз бир тупроқдан. Ишонинки, Бурсада сизларни нафақат қасбдошларингиз, балки биродарларингиз ҳам қутмоқда.

МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА

ҲУДУДИНИНГ ДЕЯРЛИ ЯРМИ
ЎРМОНЛАРДАН ИБОРАТ БУРСА
УНУМДОР ТЕКИСЛИГИДАГИ ЯМ-
ЯШИЛ КЎРИНИШИ БИЛАН ЯШИЛ
БУРСА, ДЕБ ТАЪРИФЛАШГА
ЛОЙИҚДИР.

2021 йилда қадимий Бурса шаҳри ЮНЕСКОнинг “Хунармандлик ва халқ амалии санъати” йўналиши бўйича ижодий шаҳарлар тармоғига киритилди. 2022 йилда “Турк дунёси маданияти пойтахти” деб эълон қилинди.

Олти аср давомида уч қитъада тинчлик муҳитини таъминлаган Усмонийлар цивилизацияси асосида, Гейикли бобо, Оқчи бобо, Ёғуртли бобо, Абдал Мурат, Абдал Мусо, Изникдаги Довуд-и Кайсери, Амир Султон, Ниёзи-и Мисри, Сомунжу Бобо,

Унумдор Бурса текислиги, Каражабей ва Енишехир текисликларида, шунингдек, Орхангази ва Изникда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилади. Зайтун ва зайтун мойи, қора анжир, девежи нок ва турли қалампир навлари шулар жумласидандир.

Бурса мамлакат экспортига катта ҳисса қўшаётган автомобиль секторига биринчи ўринларда туради. Бу ерда 17 та уюшган саноат зонаси ва Гейикли шаҳрида эркин зона мавжуд. Маҳаллий автомобиль ТОГГ учун Бурсанинг танлангани саноат инфратузилмасининг салоҳиятини кўрсатади. Инегўл ҳам мебель ишлаб чиқариш ва экспортда катта муваффақиятларга эришмоқда.

Вақт ўтиши билан ривожланаётган иқтисодиёт ва ишчи кучига бўлган эҳтиёж миграцияга олиб келди, шаҳар аҳолиси аста-секин ўсиб борди. Бурса ва Фарғона вилояти ўртасида маданият, туризм, таълим, қишлоқ хўжалиги, саноат ва савдо соҳаларида икки томонлама манфаатли ҳамкорлик алоқалари кенгайиб бормоқда.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2024 ЙИЛ 24 МАЙДАГИ "ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИГА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ДАВЛАТ БУЎРТМАСИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ФАРМОНИГА МУВОФИҚ, 2024-2025 ЎҚУВ ЙИЛИДАН БОШЛАБ ДАВЛАТ ОЛИЙ ВА ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ИМТИХОНЛАР "АВВАЛ ТЕСТ, СЎНГ ТАНЛОВ" ТАМОЙИЛИГА МУВОФИҚ БИР ВАҚТДА ЎТКАЗИЛИШИ БЕЛГИЛАНГАН.

халқаро сертификат асосида амалга оширилади. Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 12 октябрдаги "Умумтаълим фанларини билиш даражасини баҳолашнинг миллий тест тизимини жорий этиш тўғрисида"ги 646-сонли ва 2022 йил 16 февралдаги "Чет тилини билиш даражасини аниқлаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти"ни тасдиқлаш тўғрисида"ги 73-сонли қарорлари асосида умумтаълим фанлари (она тили ва адабиёти, биология, кимё, тарих, математика, физика, география) ва чет тили (турк, инглиз, немис, француз, араб, пушту, корейс, дарий, итальян, япон, хитой, испан, форс, урду, хиндий)ни билиш даражаси бўйича маляка сертификатлари бериш жорий этилган. Сертификатга эга фуқаролар олий таълим ташкилотларига ўқишга киришларида

симал баллга нисбатан табақалаштирилган (пропорционал) балл берилади.

Миллий сертификатга эга бўлган абитуриентга тегишли мажбурий фанлар бўйича белгиланган энг юқори балл берилади.

Коллеж ва техникумларда ўқиш истагини билдирган абитуриентлар "Аввал тест, сўнг танлов" тамойилига мувофиқ, олий таълим муассасаларига қабулнинг якуний натижаси эълон қилинганидан сўнг 10 кун мuddатда коллеж ва (ёки) техникум, касб ва мутахассислик ҳамда таълим шаклини танлайди.

Коллеж ва техникумлар учун якуний танлов натижаси бир ҳафта мuddатда Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

Шу ўринда савол туғилади: икки босқичли жараён абитуриентларга қандай афзалликлари беради?

Абитуриент тест натижаларига кўра, тўплаган баллари билан ўз танловини нисбатан аниқроқ башорат қилиш имкониятига эга бўлади. Мисол учун, агар абитуриент имтиҳонда 125 балл тўплаган бўлса, у режалаштирган олий таълим муассасасига кириш учун ўттиш бали олдинги йилларда анча юқори бўлганлигини билади дейлик (охирги 3 йиллик ўттиш баллари олий таълим муассасалари кесимида, йўналишлар бўйича маълумотлар Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги сайтига қўйилган), демек тўплаган баллари асосида бошқа олий таълим муассасасидаги йўналишни танлаши мумкин бўлади.

Янги тизимда дастлаб имтиҳон топшириб, сўнг йўналишни танлаган абитуриентлар ўз имкониятларидан келиб чиқиб танлов қилади. Асосийси, улар қайси фанлардан имтиҳон топширишни билишади, шунга яраша масъулият билан тайёргарлик кўришади.

Шу ўринда маълум имтиёзга эга абитуриентларни ўқишга қабул қилиш қандай амалга оширилишига ҳам эътиборни қармоқчиман. Оқорида қайд этилган Президент фармонида кўра, имтиҳонларсиз қўшимча давлат гранти асосида талабаларга тавсия этиш учун асос бўлган имтиёзларга эга бўлган абитуриентлар рўйхатдан ўттиш вақтида биринчи танланган йўналишига, халқаро спорт мусобақалари ғолиблари жисмоний тарбия ва спорт йўналиши бўйича бакалаврият таълим муассасаларига спорт йўналишларига қатъий рия қилган ҳолда имтиҳонларсиз қабул қилинади.

Имтиёз бўйича давлат гранти асосида талабаларга тавсия этилган абитуриентга ўшбу имтиёздан қайта фойдаланишга йўл қўйилмайд.

Мазкур фармонда олий ўқув юртлари талабаларига давлат грантлари ажратишга оид янгиликлар ҳам назарда тутилган. Абитуриентлар учун бу ҳақида билиш фойдали бўлади, деган фикрдаимиз.



Тажрибали деҳқон ўз брендини яратди

ФАРҒОНА ТУМАННИНГ ВОДИЛ ҚИШЛОҒИ АҲОЛИСИ АСОСАН МАЛИНА ЕТИШТИРИШ БИЛАН ШУҒУЛЛанади. БУГУНГИ КУНДА ХУДУДДА МАЛИНА ЭКСПОРТИГА ИХТИСОСЛАШГАН ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИ КООПЕРАТИВЛАРИ СОНИ ОРТИБ БОРМОҚДА.

Тажрибали деҳқон Элёр Нишонов ҳам кўп йиллардан буён малиначилик билан шугулланади. Авваллари ҳосил ички бозорларда сотилган бўлса, эндиликда у "Vodil Raspberry 555" номли қишлоқ хўжалиги кооперативини ташкил этиб, хорижий мамлакатларга экспортни йўлга қўйди.

Ҳосил "Водил" бренди асосида гофра қутиларга қadoқланмоқда, унда тадбиркорнинг тўлиқ манзили ҳамда QR-код жойлаштирилган. Бу билан маҳсулотнинг сифати қафолатланмоқда.

Рустамжон МАМАЖОНОВ.

Фарғона шаҳар, Нефтичлар кўчаси, 6-ўйда жойлашган "Tashpulatovlar merosi" оилавий корхонасининг думалок мухри йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Халқ оғзаки ижоди ҳисобланган аскиячилик Қўқон ва Марғилон шаҳарларида анча тараққий топанлиги тарихий манбаларда ёзилган. Жумладан, Деҳқон юзбоши Шерназаров, Саидхўмад аскиячи Каби машҳур санъаткорлар аънанасини XX асрнинг 40-йилларидан кейин Эрка қори Каримов, Мамаюсуф Тиллабоев, Юсуфжон қизик Шакаржонов, Расул қори Мамадалиев, Аба Қуҳор Зокиров давом эттирган. Кейинчалик Лутфихоним Саримсоқова, Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Мухаммаджон Мирзаев, Ғанижон Тошматов, Сойиб Хўжаев каби санъаткорлар аскиячи театр саҳнасида олиб чиқишди.

Аскиячиликда ўзига хос ўрин эгаллаган Матхалик қизик, Зокир эшон, Саъди Махсум, Сулаймон қори, Усмон қори, Мамажон Махсум, Охунжон қизик, Зайлобидин Юсупов, Эрка қори, Пўлат қизик, Ҳожи Сиддиқ, Рафиқ қизик, Аъзам қизик, Теша қизик, Мухиддин Дарвешев каби устозларнинг номи ҳали-ҳали халқ оғзидан тушмайди. Уларнинг муносиб давомчилари сифатида Фарғона заминидан камол топган, халқчил қочирим-у, пайровлари билан эл қалбидан қай олган Мамазиддиқ Шераев (марҳум), Ҳотамжон Ҳакимжонов, Абдулла Акбаров, Абдурахмон Сиддиқов каби ўнлаб сўз усталари халқ ичига кириб борди.

Қайд этиш лозимки, аскиячилик ҳазил-мutoйиба санъат тури сифатида 2014 йилнинг 27 ноябрида ЮНЕСКОнинг Инсоний номоддий маданий мероси Репрезентатив рўйхатига киритилган. Бу эса асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келётган ўзбек халқ оғзаки ижоди намунасини бутун дунё тан олганига ёрқин далилдор.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 июлда қабул қилинган "Республикада миллий аския ва қизкичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори кўп минг йиллик миллий санъат турининг янада ривожланишига замин яратди. "Устоз-шогирд" аънаналари асосида истеъдодли ёшларни рағбатлантириш, халқ оғзаки ижодининг янги қирраларини рўёбга чиқаришга имкон бери.

Мазкур қарор асосида, азал-

дан аскиячилик ва қизкичиликда ўзига хос мактаб яратган Фарғона вилоятида бу санъат таълимини ривожлантириш, ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Юсуфжон қизик Шакаржонов номидagi республика аския ва қизкичилик санъати маркази ташкил этилди.

— Ҳозирги кунда глобаллашув жараёналари кенгайиб, асл санъат ўрнини кўп ҳолларда шоу-бизнес ва "оммавий маданият" эгалламоқда. Бу шароитда бизнинг бекиёс маънавий бойлигимиз — мумтоз санъат ва халқ ижодиётининг нодир намунасини асраб-авайлаш, уни келгуси авлодларга безавол етказиш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда, — дейди санъат маркази раҳбари Бехруз Мирзаев. — Ёшларни аскиячилик санъатига қизиқтириш мақсадида Учқўприк, Бағдод туманларида машҳур сўз усталари ва аскиячиларнинг маҳорат мактабларини ташкил этдик. Қолаверса, ҳафтанинг пайшанба ва жума кунлари марказнинг ўзида Баходиржон Шокиров, Абдусамад Юсупов, Мухиддин Султонов, Маҳмуджон Исмоилов, Ҳотамжон Ҳакимжонов каби аскиячиларимиз томонидан тўғарақлар олиб боришмоқда. Ёшлар орасида "ярк" этиб кўзга кўринган истеъдод эгалларини кашф этиш, уларнинг аскиячи сифатида ном таратиши бироз мушкул кечмоқда. Аммо бугунги амалий ишларимиз келгусида ижобий натижалар кўрсатишига ишончимиз комил.

Республика аския ва қизкичилик санъати маркази ташкил этилганидан сўнг, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, сўз устаси Мамазиддиқ Шераевнинг жонқуярлиги, тақлиф ва ташаббуслари билан аскиячиларнинг ижод фонди яратилди. Ҳозирда эллик нафарга яқин ёшлар "устоз-шогирд" аънаналари асосида таҳсил олишмоқда.

Аслида, одамларга хушқайфият улашиш, қудриш мураккаб ва машаққатли иш. Бунинг учун кенг дунёқараш, атрофлича билим, сўзамоллик керак. Одамларнинг қайфияти, руҳияти, "ичида нима гапи борлигини" билиш талаб этилади. Аниқроқ

айтилса, миллий аскиячилигининг ўзгаи — бор гапни очик-ойдин айтиб қўйиш эмас, қулгили нуқтани томошабиннинг ўзига қолдиришда.

Бизнингча, ўзбек аскиячилик санъатининг халқаро микёсда янада кенг ёйилишига, ёшларни нозикфаҳм, сўзга чечан ва закий этиб камол топтиришда тарғибот ишлари ҳам ўта муҳим.

Республика маданиятшунослик ва номоддий маданий мерос илмий-тадқиқот институти ди-



Атрофга қаранг, ёш аскиячилар БОРМИ

БИР ПАЙТЛАР ТҮЙЛАР, МИЛЛИЙ БАЙРАМЛАР, ХАЛҚ САЙИЛЛАРИДА САҲНА МАРКАЗИ АСКИЯЧИЛАРНИКИ БҮЛАДИ. БУГУН-ЧИ? АФСУСКИ, ЁШЛАР ОРАСИДА БУ САҲНАГА ҚИЗИҚУВЧИЛАР КАМ. УСТОЗЛАР БОР, ШОГИРДЛАР ЭСА ЙҮҚ ДАРАЖАДА. МИЛЛИЙ МЕРОСНИ САҚЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЛОЙИХАЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА, ЛЕКИН МАДАНИЙ ТАДБИРЛАРДА АСКИЯЧИЛИКНИНГ ЎРНИ ЙҮҚОЛИБ БОРМОҚДА.



ректори Ботиржон Эргашевнинг таъкидича, оммавий ахборот воситаларида аскиячилар, улар-

нинг ижоди, ижтимоий қиймати етарлича ёритилмапти. Жумладан телевидение, радио, интернет ёшларни ўз севишли санъаткорлари билан таништира олмапти. Шу сабабли уларда аскиячиликка қизиқиш суст. Бу санъат тури баъзи ёшлар онгда "ўттиш қолдиғи" сифатида ўрналиб қолган. Уларнинг фикри-



ча, аскиячилик замонавий шоу-бизнес, интернет ҳазиллари, трендларга мос эмас.

Марғилон шаҳрида 2010 йилдан бошлаб аънаъвий тарзда "Аския сайли"ни ўтказиш йўлга қўйилган эди. "Ижодкорлар бонги"да ташкил этилган қулги кечалари халқнинг маданий ҳордик олиши, асл санъат намуналаридан баҳраманд бўлиши, бир сўз билан айтганда, маънавий озук олишига кўмаклашиш баробарида, янги номлар пайдо бўлишига замин яратаётганди. Номалум сабабларга кўра, 2019 йилдан буён бу аънаънага путур етди.

Ёш аскиячилар беллашуви бўлган "Хуш қайфият" республика кўрик-танловида икки маротаба ғолибликни қўлга киритган учқўприклик Азизбек Мухаммаджонов ҳам айнан "Аския сайли"да илк марта катта саҳнага чиққан.

— Халқимиз азалдан аскияга, пайровга ишқибоз. Айниқса, Фарғона водийсида аския ва қизкичилик қадимдан эъзозланиб келган, бу санъат намояндалари қадрланган, — дейди таниқли

ҳақиқат. Ваҳоланки, қизкичилик, аскиячилик, ҳажвичилик, бу — бекиёс санъат, машаққатли ижод, тарбия воситаси. У орқали жамиятдаги муаммолар, иллатлар фoш қилинади, кишиларнинг ибратли фазилатлари тараннум этилади. Қулги кечаси ёки аския базидан томошабин маълум маънода маънавий-руҳий озук олади. Афсуски, ҳозирда аскиячилик йўқолиб борапти. Ёшлар орасида "Юсуфжон қизик"ни, "Сойиб Хўжаев"ни кам учрата-сиз, "Мухиддин Дарвешов", "Зайлобиддин ака"га деярли кўзингиз тушмайди, яъни уларнинг изидан бораётганлар бармоқ билан санарли. Аскиячиликни касб сифатида кўриш тушунчаси йўқ. Шу боис, кўп ёшлар бу соҳани фақат "вақтинча ҳавас" сифатида кўришади.

Аския жаҳондаги биронта халқ оғзаки ижодида учрамайди. Аския санъатини илмий ўрганган Фарғона давлат уни-верситети доценти, филология фанлари доктори Ҳикматулло Ғўсмановнинг таърифи билан айтганда, ҳозиржаволиб — аскиянинг энг муҳим шарт, чунки бирор тараф ўз вақтида чукўр маъноли, ҳам қулгили, ҳам вази-ятга мос жавоб қайтара олмаса, "қайноқ саҳна" тафти пасаяди, демек, рақибнинг фикрида куч-сизлик сезилиб қолади.

— Қадимда ҳунармандчилик ривожлангани сари аския ҳам кенг оммалашди. Айниқса, бўз, атлас тўқийдиган қосилар қўл ва оёқлари муттасил ҳаракатда бўлгани боис, ё қўшиқ, ёки ашу-ла айтишган, ёхуд аския билан кўнгиллари кутаришган. Бугунги кунга келиб, аскиячи ёшлар камайиб кетаётгани ва унга қизиқувчанлик султигини устозлар билан шогирдлар ўртасидаги аънаъвий алоқалар йўқолиб бораётгани билан ҳам изоҳлаш мумкин, — дейди у. — Тан олиш керак, машҳур устозлар ўрнини боса оладиган янги авлод вақилари кам ёки борларининг фаолияти кенг оммага таниш эмас.

Умрбоқий ҳазил-мutoйибалар-гина халқ ичида барҳаёт яшайди. Енгил-елпи, бачкана, масҳара-омуз "ҳазил"ларнинг умри қисқа бўлади.

Муаттар МАҲМУДОВА.

МУАССИС: "Farg'ona haqiqati" va "Ferganskaya pravda" gazetalarini tahririyati	2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган. Индекс: 7521.	Газета "Zakovat nashriyoti uyi" МЧЖ босмахонасида тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2 формат (4 саҳифа)да чоп этилди. Босмахона манзили: Наманган вилояти, Косонсой шаҳар, Чорбоғ кўчаси, 17. Буюртма: 11630.	Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.
Бош муҳаррир: Рустам ОРИПОВ	Газета жума кунни чиқади. Адади: 2332 нусха.	Баҳоси келишилган нархда.	Телефонлар: 94 390-19-51, 93 370-07-14 Саҳифаловчи: Алишер Розиков. Босингга топшириш вақти: 16.00. Топширилди: 15.00.